

## ТИББИЙ ТАСВИРЛАРНИ ТИББИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

**Асалиддин Эсиргапович Кубаев**

Самарқанд давлат тиббиёт институти асистенти

**Рустам Рахматуллаевич Бахрамов**

Самарқанд давлат тиббиёт институти асистенти

**Санобар Бердиевна Абдуллаева**

Самарқанд давлат тиббиёт институти асистенти

### АННОТАЦИЯ

Тиббиётда тиббий тасвириларнинг ўрни жуда ҳам катта аҳамиятга эгалиги. Беморга аниқ ташхис қўйишда даволовчи врачга тиббий тасвириларнинг аниқлилиги ва тасвириларнинг юқори сифатга эгалиги жуда ҳам муҳимлиги. Тиббий тасвириларни қайта ишлаш, саклаш, шаклларини ўзгартириш, аналог шаклдан рақамли шаклга ўзгартиришилиги.

**Калит сўзлар:** Тиббий тасвирилар, аналог шакл, рақамли шакллар, пикселлар, матрица шаклидаги тизимга ўтишда уларнинг асосий афзалликлари, тасвириларнинг аниқлилиги ва юқори сифатга эга бўлишилиги.

### THE IMPORTANCE OF MEDICAL IMAGES IN MEDICINE

### ABSTRACT

The place of medical images in medicine is of great importance. The accuracy of the medical images and the high quality of the descriptions are very important for the treating physician in the thematic diagnosis of the patient. Processing, storage, reshaping, converting medical images from analog to digital form.

**Keywords:** Medical images, analog form, digital form, pixel, matrix form, their main advantages in the transition to the system, the accuracy of images and high quality.

### КИРИШ

Тиббиётда шифокорлар bemorlariga aniq tashxis қўyishiда va davolaşda asosan tibbий tasviirlardan foydalanişadi. Tibbий tasviirlar - bu

касалликларни ташхислаш ва тананинг анатомик ва физиологик расмини ўрганиш учун мўлжалланган инсон органларининг структуравий ва функционал тасвири. Улар диагностик тасвирлар деб ҳам аталади. Тиббий тасвирларни олиш усуллари радиация диагностикаси усулларидан иборат - рентген, магнит-резонанс, радионуклид ва ултратовуш. Тиббий тасвирларни икки гурухга бўлиш мумкин: рақамли ва аналог. Аналог тасвирлар узлуксиз маълумотларни ўз ичига олган тасвирлардир. Барча аналог тасвирлар сингари, тиббий тасвирлар ҳам камчиликларга эга. Аналог шаклидаги тиббий тасвирлар рақамли тасвирларга караганда анча хира ва аник Шифокорларнинг истаги тиббий тасвирларнинг янада аниқлиги ва тиниқлигидир. Бу эса шифокорларнинг ташхис қўйишда хатоликларга йўл қўймаслик даражасини юкорилигидан иборат бўлади. Аналог тасвирларга узлуксиз характердаги маълумотларни ўз ичига олган тасвирлар киради. Ушбу тасвирлар касалликларни аниқлаш учун шифокорга тақдим этилади. Барча аналог тасвирлар шу жумладан тиббий тасвирлар камчиликларга эга. Хусусан уларни сақлаш, диагностикага мувофик қайта ишлаш, компьютердан компьютерга утказиш қийин. Аналог шаклида тасвирларад жуда куп кераксиз сигналлар ёки уларнинг сифатини ёмонлаштирадиган шовқинлар бор. Бу камчиликларнинг барчаси рақамли барчаси рақамли тасвирларда учрамайди. Улар диагностика қурилмалари сигналларидан келиб чиқсан ва тана аъзолари хақида маълумотларни (рақамли куринишда) ўз ичига олган уяли тузилишга (матрицага) асосланган. Компьютер қурилмалари ёрдамида матрицада сақланадиган сигналлардан мураккаб алгоритмлар ёрдамида тана аъзоларининг тасвири яратилади. Рақамли тасвирлар юқори сифатга, аниқлиқга ва тасвирнинг тиниқлиги, сигналларнинг узатилишида хеч қандай носозликлар булмаслиги билан тавсифланади. Тасвирларни турли хил магнит, оптик ва магнит-оптик рақамли узатувчиларда сақлаш осон, компьютерда ишлов бериш ва телекоммуникация тармоқлари орқали узоқ масофаларга юбориш осон, тасвирни хеч қандай сифати ва кўринишилари ўзгармайди. Рақамли тасвирларни матрица шаклидаги тизимга ўтишда уларнинг асосий афзалликлари шундан иборатки тасвирларнинг аниқлилиги ва юқори сифатга эга бўлишлиги. Шу билан бирга бу тасвирларнинг сақланиши керак бўлган компьютер қурилмаларида осонгина сақлаш ва тасвирлар устида бошқа жараёнларни ҳам амалга ошириш мумкин.

## АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тиббий сканерларнинг бугунги кундаги авлодлари қанчалик кўп бўлмасин хаммасининг вазифаси аналог тасвириларнинг рақамлаштириш учун ишлатилади. Бугунги кунда шифокорларга бериладиган тавсия, тасвириларни энг юқори аникликда тайёрлаб берадиган технологиялардан фойдаланишdir.

Тиббий тасвирилар уч турга бўлинади: векторли, растли ва матрицали.

Векторли тасвирилар элементар чизиқлардан иборат. Расмли маълумотлар векторли хусусиятларга эга ва уни керакли холатда сифатни йўкотмасдан ўзгартиришимиз мумкин. Рақамли расмлар турли рангдаги шундай нуқталар каторидан ҳосил бўлади. Вектор ва растрли тасвир ўртасидаги асосий фарқ шундаки, растрли тасвир вектор тасвирга қараганда ҳаётий тасвирга анчагина яқин кўриниш ҳосил қиласи. Растрли тасвир жуда майда бўлган пиксел деб аталувчи элементлардан ташкил топган. Растрли графика тасвирини шакллантирувчи юзлаб ва минглаб пикселлар билан ишлайди. Растрли графиканинг афзаллиги:

Агар пикселлар ўлчами кичик бўлса, тасвир фотосурат сифатига яқин бўлади.

Компьютер алоҳида пикселларни кўрсатиш учун нуқталардан фойдаланадиган ташки қурилмаларни осонлик билан бошқаради. Шунинг учун растрли тасвирилар принтерларда осонлик билан босмага чиқарилади.

Матрицали тасвирилар ўз ўрнида кўп сонли катақчалардан иборат бўлиб уларни пикселлар деб атаемиз. Пикселлар сони қанча кўп бўлса расмлар сифати шунча юқори бўлади. Бундай тасвирилар билан ишлаганимизда уларни сиқилиши ёки чўзилиши (деформацияси)га дуч келамиз. Қачонки уларнинг хажми ўзгарганда. Бундай холатлар флюорография, томография ва радиология соҳаларида тасвириларни қоғозга чиқариш жараёнларида кузатилади. Тасвирлаш жараёнларида матрицали тасвириларни векторли тасвириларга ўтказишими мумкин. Матрицали тасвирилардаги хар бир элемент хотирада маълум бир жойга эга бўлади. Тиббий диагностикада дисплей экранларининг майдони қуидагича матрица кўринишида тасвириланади яъни: 64x64, 128x128, 256x256, 512x512, 1024x1024, 2048x2048 ва 4096x4096 пиксел. Матрикалар қанчалик катта бўлса шунчалик сифатлироқ бўлади. Сифатнинг ошиши билан хотирада жойлашган манзилнинг сигими хам ортиб боради. Шунинг учун матрица хажмининг юқори даражаси танланади ва сифат кўрсаткичи сақланиб қолади.

## МУҲОКАМА

Турли хил тиббий тасвирлар, уларни қандай кўринишда тасвирга тушуришдан қаътий назар рейтген, ултратовуш, радионуклид ёки магнит-резонас иккита асосий гурухга бирлаштириши мумкин: аналог ва рақамли. Тасвирлар биринчи навбатда аналог сифатда яратилади, сўнгра детектордан диспелейга узатиш жараёнида улар рақамлаштирилади.

Аналог тасвирлар:

- анъанавий кино рентгенографияси, шу жумладан чизиқли томография;
- анъанавий флороскопия,
- сонография (Ултратовуш тулқинлари булиб, танадаги тузилмалардан чиқиб кетиш ва тасвирни яратиш учун диагностика тиббий текшируви). Бу текширув купинча оддийгина ултратовуш ёки сонография деб аталади.

Аналог-рақамли тасвирлар:

- рақамли рентгенография (радиографияни иккаламчи рақамлаштириш),
- рақамли флороскопия,
- рақамли айириш ангиографияси,
- сонография,
- синтиграфия (икки ўлчовли тасвирларни яратиш учун ички радионуклиидлардан фойдаланиш)

Рақамли тасвирлар:

- рентгенографиянинг бирламчи рақамли усуллари;
- компьютер томографияси,
- магнит-резонанс томография,
- эмиссия томографияси (бир ва икки фотонли),
- допплер хариталаш.

Мониторда диагностика тасвирларнинг куриниши икки хил бўлиши мумкин. Вектор тасвирлар деб аталадиган математик обьектлар кўринишидаги математик формуулалар билан тасвирларган элементар чизиқлар ва эгри чизиқлар тўпламидан иборат. Иккинчиси график хусусиятга эга ва шифокор томонидан танланган дастурларга мувофиқ тасвир сифатини бузмасдан ўзgartiriш мумкин.

## ХУЛОСА

Ушбу мақоламизда тиббиётда тиббий тасвирларни ўрни жуда хам мухимлигини, бундан ташкари беморларга аник ташхис қўйишда шифокорларга ёрдамчи қўрсатма сифатида қўришимиз мумкинлигини. Бундан ташкари бутун дунё бўйича шифокорларнинг хатоси билан беморларнинг ногирон бўлишлиги ёки вафот этишилигини қўришимиз мумкин. Ташхис қўйишда тасвирларнинг аниқлилиги ва тасвирларнинг юқори сифатга эгалиги даволовчи шифокорнинг хато қилмасликка олиб келади. Бу муаммони ечишда аввалом бор, тиббиёт қурилмаларининг барчаси замонавий холатда булишлиги хамда тиббиёт мутахассисларининг барчаси юқори малакага эга бўлишлиги, беморларга ташхис қўйишда хатоликлар бўлмаслигига ишончимиз комил. Тасвирнинг тиниқлиги орқали шикаст жойини аник қўришимиз мумкин, масалан беморнинг бош миясида жойлашган ўсмани компьютер томографиясида уни катталиги, диаметри, жойлашган чуқурлигини аник сантимерларда ифодалай олишимиз, траматологияда кўли ва елкаси синган беморга аник ташхис қўйишда тасвирларни сифатилиги, аниқлиги ва тиниқлиги шифокорга хато қилмаслиги бу эса касалликни даволашда тўгри усулни танланишида тўгри қарор деб хисоблаймиз. Хулоса қилиб шуни тъкидлаймизки тиббиётта тегишли бўлган хар қандай тасвирларимиз аник, тиник ва сифатли бўлса, шифокорларимиз беморларга ташхис қўйишда қийинчиликларга дуч келмайдилар.

## REFERENCES

- Медицинский изображения и их обработка.  
<http://masters.donntu.udu.ua/2012/fknt/panina/article3.htm>
- Радиологическая информационная система.  
<http://www.kmis.ru/site.nsf/pages/ris.htm>
- Архивирование данных в медицинских учреждениях. <http://emag.iis.ru>
- THE METHOD OF USING THE FUNCTIONAL-DIFFERENTIAL EQUATION IN DETECTING PARASITES IN CHILDREN.  
R Bakhrayev, M Malikov, A Kubaev - Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation;32(3) 2021. P 136-140 <https://turkjphysiotherrehabil.org>
- Болаларда паразитларни аниқлашда функционал дифференциал тенгламадан фойдаланиш усули. Бахрамов Р.Р., Маликов М.Р. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES,2021. P 280-288. <https://scholar.google.com>

6. Concept Of Medical Information. SS Nabiyeva, AA Rustamov, MR Malikov, NI Ne'matov - European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 2020. P 606-609.  
<https://scholar.google.com>

7. LABORATORY INFORMATION SYSTEMS. SS Nabiyeva, OB Axmedov, MR Malikov, LE Shukurov - Archive of Conferences, 2020. <https://scholar.google.com>

8. What is Ecology? /Khudaykulova SH.N., Kubaev A.E., Jalilov M.X., Baratova R.SH., Kurbanova L.M., Umarova O.S., Burxonov B.N. Annals of R.S.C.B., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 5, Pages. 3341–3345 2021; <http://annalsofrscb.ro>